

**ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.29.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

МАЛЛАЕВ ШУХРАТ ШЕРҚУЛОВИЧ

**ЮВЕНИЛ РЕВМАТОИД АРТРИТНИНГ КЛИНИК-ГЕНЕТИК
ТАВСИФИ ВА УНИНГ ХРОНОТЕРАПИЯ НАТИЖАЛАРИ ПРОГНОЗИ**

14.00.09 – Педиатрия

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Content of the Dissertation Abstract of Doctor of Philosophy (PhD)

Маллаев Шухрат Шеркулович

Ювенил ревматоид артритнинг клиник - генетик тавсифи ва унинг
хронотерапия натижалари прогнози..... 5

Маллаев Шухрат Шеркулович

Клиничко - генетическая характеристика ювенильного ревматоидного
артрита и прогноз его исхода при хронотерапии..... 19

Mallaev Shuxrat Sherkulovich

Clinical and genetic characteristics of juvenile rheumatoid arthritis and
prognosis of its outcome in chronotherapy..... 37

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 38

**ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.29.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

МАЛЛАЕВ ШУХРАТ ШЕРҚУЛОВИЧ

**ЮВЕНИЛ РЕВМАТОИД АРТРИТНИНГ КЛИНИК - ГЕНЕТИК
ТАВСИФИ ВА ХРОНОТЕРАПИЯ НАТИЖАЛАРИ ПРОГНОЗИ**

14.00.09 – Педиатрия

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.2.PhD/Tib1358** рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент педиатрия тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tashpmi.uz) ва «ZiyoNet» ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Алимов Анвар Валиевич
тиббиёт фанлари доктори, профессор.

Расмий оппонентлар:

Шамансурова Эълмира Амануллаевна
тиббиёт фанлари доктори, профессор.

Шамсиев Фазлитдин Сайфутдинович
тиббиёт фанлари доктори, профессор.

Етақчи ташкилот:

**Республика ихтисослаштирилган
педиатрия илмий-амалий тиббиёт маркази**

Диссертация химояси Тошкент педиатрия тиббиёт институти хузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.29.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил **18 декабрь** куни соат **11⁰⁰** даги мажлисида бўлиб ўтди. (Манзил: 100140, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Боғишамол кўчаси, 223 уй. Тел./факс (99871) 262-33-14, e-mail: tashpmi@gmail.uz).

Диссертация билан Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин **5416** рақамли билан рўйхатга олинган. Манзил: 100140, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Боғишамол кўчаси, 223 уй. Тел./факс (99871) 262-33-14.

Диссертация автореферати 2021 йил «**10**» **декабрь** куни тарқатилди.
(2021 йил «**10**» **декабрь**даги **123** рақамли реестр баённомаси).



[Handwritten signature]

Д.И. Ахмедова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

[Handwritten signature]

К.Н. Хаитов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори

[Handwritten signature]

А.М. Шарипов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусини долзарблиги ва зарурати. Дунёда аҳолининг турли катламлари орасида ревматик касалликлар сонининг тобора ортиши, болалар орасида ювенил ревматоид артритнинг кенг тарқалиши алоҳида ўрин эгаллаган долзарб муаммо сифатида аҳамият касб этади. Жаҳонда соҳа етакчи олимларининг фикрига кўра «... турли мамлакатларда ювенил ревматоид артритнинг тарқалиши 0,5 дан 2 % гача ташкил қилади...»¹. Европада ювенил ревматоид артрит 100 000 та болага 16 тани ташкил қилиб, касаллик балоғат ёшдаги болаларда кузатилиши, узоқ вақт бўғимда яллиғланиш белгилари билан кечиши, бир нечта бўғимларда ҳаракат чегараланиши ва контрактуралар ривожланиши натижасида болаларнинг эрта ногиронлигига олиб келиши сабабли ювенил ревматоид артрит муҳим тиббий ва ижтимоий муаммо ҳисобланади. Шу жиҳатдан ҳам ювенил ревматоид артритни ташҳислаш ва даволашдаги катта тажрибаларга қарамай, касалликни эрта ташҳислаш, даволаш ва профилактика усуллари самарадорлигини оширишни тақозо этмоқда.

Жаҳонда болаларда ювенил ревматоид артритнинг эрта ташҳислаш, даволашни такомиллаштириш ва профилактикасига қаратилган илмий тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада, болалар орасида ювенил ревматоид артрит шаклланишида хавф омиллари таъсири, клиник кўриниши ва бўғимларнинг функционал бузилишлар хусусиятлари, касалликни эрта ташҳислаш ва прогнозлаш мезонларини ишлаб чиқиш, яллиғланишга қарши ностероид дори воситаларни биомаромга боғлиқ ҳолда бериш орқали яллиғланиш жароёнини камайтириш чора-тадбирлар комплексини ишлаб чиқиш ва даволаш усуллари такомиллаштириш алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантириш, тиббий хизматни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, болаларда ревматик касалликларни эрта ташҳислаш, даволаш ва профилактика усуллари такомиллаштириш борасида кенг қамровли ислохотлар амалга оширилмоқда. Мамлакатимизда «... диагностика ва даволашнинг замонавий усуллари жорий этиш, юқори сифатли тиббий хизматларни кўрсатиш, шу жумладан телетиббиётни жорий этиш ва ривожлантириш...»² каби устувор вазифалар белгиланган. Бу борада болаларда ювенил ревматоид артритнинг клиник-генетик белгиларини эрта ташҳислаш, даволаш ва профилактиканинг самарали усуллари ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 ноябрдаги ПФ-6110-сон «Бирламчи тиббий – санитария ёрдами муассалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари

¹ Бабаева, А. Р., Калинина Е.В., Бакумов П.А. Инновационная терапия ревматоидного артрита: алгоритмы и цели лечения // Вестник Волгоградского государственного медицинского университета. – 2018. – Т.66. – №2. – С. 3-9.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 25 майдаги ПҚ-124-сонли «Соғлиқни сақлаш соҳасини комплекс ривожлантиришга доир қўшимча чора – тадбирлар тўғрисидаги Қарори

тўғрисида»ги, 2019 йил 19 сентябрдаги ПФ-4440-сон «2019 - 2025 йилларда кам учрайдиган ва бошқа ирсий генетик касалликларга чалинган болаларга тиббий-ижтимоий ёрдамни такомиллаштириш тўғрисида»ги фармонлари, 2021 йил 25 майдаги ПҚ-5124-сон «Соғлиқни сақлаш соҳасини комплекс ривожлантиришга доир кўшимча чора – тадбирлар тўғрисида»ги, 2019 йил 8 ноябрдаги ПҚ-4513-сон «Репродуктив ёшдаги аёллар, хомиладорлар ва болаларга кўрсатиладиган тиббий ёрдам сифатини ошириш ва кўламини янада кенгайтириш тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Европа ревматологлар ассоциациясининг клиник кўрсатмаларига кўра, ювенил ревматоид артрит касаллиги 100 000 нафар аҳолига 16 -23 та ҳолатни ташкил этади (Hideto. K. 2016; Cutolo M. 2018). Болаликда ювенил ревматоид артритнинг кенг тарқалишидан ташқари, унинг шаклланишининг ёшга боғлиқ жиҳатлари ҳам муҳимдир. Дастлабки клиник белгилар хаётнинг иккинчи йилида бўғимларда шиш белгилари шаклида кузатилиши мумкинлиги таъкидланган (Неудахин Е. В. 2018). Бошқа муаллифларнинг тадқиқотларига кўра, касаллик белгилари кўпинча 11-13 ёшда аниқланади. (Gibbs J.E., Ray D.W.2013;). Шу муносабат билан ушбу ҳолатни ривожланишига олиб келадиган хавф омиллари масаласини ўрганиш муҳим бўлиб ҳисобланади.

Хорижий адабиётларда ювенил ревматоид артрит патогенезининг асосий бўғинларидан бири сифатида иммуногенетик омилларга катта эътибор берилмоқда. Болаларда турли касалликларда циркадиан биомаромини ўрганишнинг узок муддатли тадқиқотлари асосида: атопик дерматит, гипотрофия, муковисцидоз касалликларини даволашда хронофармакологик ёндашувнинг юқори самарадорлиги аниқланган. Ревматоид артрит билан оғриган беморларда индометацин препарати куннинг иккинчи ярмида ва кечкурун қўлланилганда оғриқ синдроми тез тўхтатилган ва тана ҳарорати нормаллашиши (Неудахин Е. В. 2018) тўғрисидаги билимларни чуқурлаштирган.

Ўзбекистон олимлари болалар орасида турли ревматик касалликлар реактив артрит, ревматик иситма, ювенил ревматоид артритни ташхислаш ва самарали даволаш борасида илмий тадқиқотлар олиб боришмоқда (Э.А Шамансурова 2017, 2018; А.В Алимов 2019, 2020, 2021;); ювенил ревматоид артритни эрта ташхислаш асосланган (Рахимгазиев У.Г 2017, 2018), бироқ болаларда ювенил ревматоид артритнинг клиник-генетик имкониятлари тўлиқ ва батафсил ўрганилмаган.

Шуни таъкидлаш жоизки, ювенил ревматоид артрит диагностикаси мезонларига алоҳида эътибор берилади. Генлар полиморфизминини аниқлаш

ювенил ревматоид артрит ривожланишини аниқлашга имкон беради. Ушбу муаммо бўйича кўплаб тадқиқотларга олиб борилганига қарамадан, ювенил ревматоид артритнинг клиник ва генетик хусусиятларига оид кўплаб саволлар охиригача аниқланмаган бўлиб қолмоқда. Шу нуқтаи назардан, ушбу тақдим этилган диссертация иши долзарб ҳисобланади, чунки тадқиқот янги илмий натижаларга эришишга қаратилган бўлиб, уларни амалга ошириш клиник муаммоларни ҳал қилишда, биринчи навбатда, болаларда ювенил ревматоид артритни даволашни оптималлаштириш ҳолатини тасдиқлайди.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг илмий ишлари режасига мувофиқ №01.980006703 «Болаларда туғма ва орттирилган касалликлар диагностикаси, даволаш ва профилактикаси»(2017-2021) мавзусидаги илмий лойиха доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ювенил ревматоид артритни клиник-генетик хусусиятларини аниқлаш ва касалликни даволашда хронофармакологик ёндашувни такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

ювенил ревматоид артритнинг клиник кўриниши ва бўғимлар функционал бузилиши хусусиятларини баҳолаш;

ювенил ревматоид артритни анъанавий даволаш самарадорлигини баҳолаш ва НЯҚПнинг ножўя таъсирларини аниқлаш;

ювенил ревматоид артритни шаклланишида ИЛ-1 β -Т31С ва ИЛ-6-С174G генлари полиморфизмининг тутган ўрнини аниқлаш;

ювенил ревматоид артритни даволашда НЯҚПни қўллаш бўйича хронофармакологик ёндашувни синаш ва анъанавий даволаш ва хронотерапия самарадорлигини қиёсий баҳолаш;

ювенил ревматоид артрит натижасининг прогностик мезонларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Тошкент педиатрия тиббиёт институти клиникаси кардиоревматология бўлимида 2017 йилдан 2020 йиллар давомида 3 ёшдан 16 ёшгача бўлган 84 нафар ювенил ревматоид артрит билан касалланган беморлар олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида биокимёвий ва генетик текширувлар учун периферик қон олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда клиник, молекуляр-генетик, рентгенологик, клиник-биокимёвий ва статистик тадқиқот усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

болаларда ювенил ревматоид артритнинг ривожланишида ИЛ-1 β -Т31С ва ИЛ-6-С174G генларининг полиморф турларини юқори даражада учраши асосланган, ҳамда нохуш генотипга кирувчи икки нафар генларнинг биргаликда кузатилиши ювенил ревматоид артритнинг полиартикуляр турини 1,2 мартага ошиши исботланган;

ювенил ревматоид артритнинг полиартрит ва олигоартрит вариантлари бошқа тизимли турларига нисбатан прогрессив кечиши: бўғимларда ҳаракат чекланиши, суяк тизимида функционал ўзгариш хусусиятлари асосланган;

ювенил ревматоид артритни даволашда ўтказилаётган анъанавий даволашнинг самарадорлиги таҳлил қилинган ва ностероид яллиғланишга қарши препаратлар билан даволашнинг ошқозон-ичак тизимига ноҳўя таъсирлари: гастрит, ошқозон яра касаллиги, реактив гепатит келтириб чиқариши исботланган;

тана ҳароратининг кунлик ўзгариши, баъзи гормонларни ишлаб чиқарилиши тўғрисидаги маълумотлар асосида ювенил ревматоид артритнинг даволаш мажмуасида ностероид яллиғланишга қарши препаратларни хронотерапевтик усулда қўллаш чора тадбирлари оптималлаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

болаларда ювенил ревматоид артритни даволашга ишлаб чиқилган индивидуал ёндашув, яъни НЯҚПни хронотерапевтик усулда тавсия этиш, яққол ифодаланган клиник ва лаборатор кўрсаткичларга эришиш асосланган;

ИЛ-1 β -Т31С ва ИЛ-6-С174G генлар полиморфизмини баҳолаш имконияти исботланган ва ювенил ревматоид артрит ташҳисининг объектив мезони асосланган;

касалликнинг натижасини аниқлаш учун белгиланган прогностик алгоритмлар, ўз вақтида даво чораларини белгилаш имкони исботланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган ёндашув ва усуллар, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарли эканлиги, статистик текшириш усуллари ёрдамида ишлов берилганлиги, шунингдек, тадқиқот натижаларининг халқаро ҳамда маҳаллий маълумотлари билан таққосланганлиги, чиқарилган хулоса ҳамда олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ретроспектив таҳлил ва проспектив тадқиқотлар, ювенил ревматоид артрит намоён бўлишининг клиник, генетик ва биокимёвий кўрсаткичлари, касаллик ривожланишининг хавф омиллари, эрта ташҳислаш мезонлари, болаларда ювенил ревматоид артрит профилактикасини такомиллаштиришнинг исботланиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти болаларда ювенил ревматоид артрит шаклланиши хавфи юқори бўлган болаларни эрта аниқлаш, ревматик касалликларнинг олдини олиш, ревматик касалликлар сонини пасайишига таъсир қилган ҳамда ногиронликни камайиши ва ушбу тоифадаги аҳолининг ҳаёт сифатини яхшилаш имконини яратганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ювенил ревматоид артритнинг клиник-генетик тавсифини баҳолаш бўйича олинган натижалар асосида:

болаларда учрайдиган ювенил ревматоид артритни самарали ташхислаш ва даволаш алгоритмларидан фойдаланиш орқали амалга оширилган илмий натижалар асосида “Ювенил ревматоид артритнинг клиник-генетик тавсифи ва хроноterapia натижасининг прогнози” услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 23 ноябрдаги 8н-р/497-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома ювенил ревматоид артрит билан касалланган бемор болаларда касалликни эрта ташхислаш, даволаш самарадорлигини ошириш, касалликнинг лаборатор кўрсаткичларнинг нормаллашиши, беморларнинг шифохонада бўлиш вақтини қисқартириш билан биргаликда касалликнинг асоратларини камайтириш имконини берган;

болаларда ювенил ревматоид артритнинг клиник-генетик кечиш хусусиятларига асосланган холда ташхислаш ва даволаш тартибини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Тошкент педиатрия тиббиёт институти клиникаси ва 4-сон шаҳар болалар кардиоревматология шифохонаси амалиётига жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 19 октябрдаги 0809/15008-сон маълумотномаси). Олинган тадқиқот натижалари клиник амалиётга жорий қилиниши орқали ювенил ревматоид артрит билан касалланган болаларда бўғимлар зарарланиши нохуш оқибатларини эрта баҳолаш, асоратлар сонининг ҳамда касаллик оқибатлари билан боғлиқ ногиронлик даражасини камайтириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро илмий анжуманларда, жумладан, 2 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 13 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, 3 та республика, 2 та хорижий журналларида нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 118 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисми ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва заруратини асослашга, текшириш мақсади ва вазифалари, объект ва предметларини тавсифлашга бағишланган, тадқиқотнинг Республика фан ва технологияларининг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган. Тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «Ювенил ревматоид артрит ҳақида замонавий тасаввурлар» деб номланган биринчи бобида ўрганилаётган муаммо бўйича масаланинг ҳолати ҳақидаги долзарб ғояларни таҳлил қиладиган адабиётлар шарҳи берилган. Ювенил ревматоид артритни эрта ташҳислашнинг устувор йўналишлари, уларнинг намоён бўлиш частотаси ва кечиши, прогнози ва олдини олиш масалалари баён этилган. Ювенил ревматоид артрит ривожланишини белгилайдиган эндоген ва экзоген характердаги хавф омиллари, шунингдек ЮРАнинг клиник вариантларини аниқлаш муаммолари ва шунга мос равишда уларнинг ривожланишининг асосий сабабларини белгилайдиган таҳлилий маълумотлар келтирилган. Ювенил ревматоид артритни ностероид яллиғланишга қарши препаратлар билан даволашни такомиллаштириш таклиф этилган, бу эса ушбу тадқиқот зарурлигини белгилайди ҳамда келажақда масала юзасидан кенг тадқиқотлар ўтказилишини талаб қилади.

Диссертациянинг «Ювенил ревматоид артритнинг клиник лаборатор кўрсаткичларини баҳолаш материал ва усуллари» деб номланган иккинчи бобида текширилган беморларнинг батафсил клиник хусусияти ва кўлланилган тадқиқот усуллариининг тавсифи берилган. Бу вазифаларни ҳал қилиш учун 84 нафар ювенил ревматоид артрит ташҳиси қўйилган беморлар, жумладан 74 нафар (88,1%) бўғим шакли ва 10 нафар (11,9%) касалликнинг бўғим-висцерал шакли билан касалланган беморларни перспектив ўрганиш асосида тадқиқотни лойиҳалаштиришни ўз ичига олган. Иш ТошПТИ клиникасининг болалар кардиоревматологияси бўлимида олиб борилган. 84 нафар бемордан 47 нафар (55,9%) ўғил болалар ва 37 нафар (44,1%) қиз болалар, ёш бўйича 2 ёшдан 16 ёшгача бўлган (ўртача ёши $11,2 \pm 0,8$ ёш) болаларни ташкил этган. Касалликнинг давомийлиги 3 ойдан 8 йилгача ўзгарган. Текширилаётган беморларнинг ёши ва жинсига қараб тақсимланиши 1-жадвалда келтирилган.

Жадвал 1.

Текширилаётган беморларнинг ёши ва жинсига қараб тақсимланиши.

Ёши	Жами		Ўғил болалар		Қиз болалар	
	абс.	%	абс.	%	абс.	%
3-7 ёш	21	25	19	40	10	27
7-16 ёш	63	75	28	60	27	73
Жами :	84	100	47	100	37	100

Текширилган беморларнинг кўпчилигини мактаб ёшидаги болалар ташкил этган. Текширилган беморлар орасида ярмидан кўпи (52,4%) 1 йилгача, 32,1%ни 1-3 йилгача, 13,1%ни 3-5 йилгача, 2,4%ни 5 йилдан ортик касаллик даврига эга болалар бўлган. Касаллик муддати деганда, ташҳисдан

кейинги вақтни назарда тутган ва ташхис қўйиш вақти 4 ойдан 2 йилгача ўзгариб турган.

ЮРА эрта ташхис мезонларини етарли аниқлигига қарамай, у биз кузатган беморларнинг учдан ортиқ қисмида беморга ташхис қўйиш учун бир йилдан ортиқ вақт кетган ва фақат 13(15,5%)та беморга ўз вақтида ташхис қўйилган. ЮРА касаллигининг агрессивлигини ҳисобга олиб, ташхис қўйиш вақти катта аҳамиятга эга, чунки ўз вақтида даволаш касалликнинг прогнозини белгилаган. 84 нафар бемордан 72 (85,7%) нафари илгари бошқа ташхислар билан даволанган. Беморларнинг кўпчилиги (63.9%) дастлаб реактив артрит ташхиси билан даволанган.

Диссертациянинг «Ювенил ревматоид артритнинг клиник лаборатор кўрсаткичлари» деб номланган учинчи бобида ювенил ревматоид артритнинг клиник ва лаборатория кўринишлари таҳлил қилинган. ЮРА ривожланиши кўзгатувчи омилларнинг ўрганилиши, барча ёш категорияларида мутлақ кўпчилик ҳолларда совуқ қотиш (42,8%) ва юқумли касалликлардан (14,3%) кейин кузатилган. Шунинг таъкидлаш керакки, полиартикуляр шакли ва бўғим-висцерал шаклни ривожланишида инфекция омиллар сабаб бўлса, олигоартрит шаклида эса кўзгатувчи омил сифатида совуқ қотиш омили ҳисобланган.

ЮРА клиник кўринишларини ўрганиш, касалликнинг бошланишида текширилган беморларнинг мутлақ кўпчилигида (86.9%) умумий ахволининг ёмонлашувини кўрсатган: ҳолсизлик, эрталабки қотишиш, артралгия, озиш, субфебрил иситма. Бу барча аломатлар, бўғимлар зарарланишининг клиник кўринишидан кейин пайдо бўлган. Бундан ташқари, фаол бўғим синдроми билан оғриган беморларнинг 58,3% экстраартикуляр кўринишларга эга бўлган: патологик жараёнда иштирок этувчи бўғимга проксимал жойлашган мушаклар атрофияси ривожланиши, умумий дистрофия, ўсиш сусайиши каби белгилар кузатилган.

ЮРА диагностик мезонларини баҳолашда беморларнинг аксарият қисмида артрит 3 ой ва ундан ортиқ давом этиши (100%), эрталабки қотишиш (81%), майда бўғимларнинг носимметрик зарарланиши (71.4%), бўғим бўшлиғида суюқлик йиғилиши (65.4%) иккинчи бўғим артрити (86,9%), каби белгилар билан хусусиятланган. Зарарланган бўғимда оғрик, шиш, деформация ва ҳаракатнинг чекланиши ҳамда тана ҳароратининг кўтарилиши қайд этилган. Кўпинча йирик ва ўрта бўғимлар – тизза, билак, тирсак, тос – сон бўғими зарарланиши кузатилган. 10 нафар (11.9 %) беморда бўйин умуртқасининг шикастланиши кузатилган.

Текширилаётган беморларда ЮРА клиник шакллари.

ЮРАнинг клиник шакллари	абс.	%
Олигоартритнинг бўғим шакли	39	46,4
Полиартрит	35	41,6

Бўғим – висцерал шакли юрак зарарланиши билан	3	3,6
Буйрак зарарланиши билан	4	4,8
Ўпка зарарланиши билан	1	1,2
Бирлашган зарарланишлар	2	2,4
Жами	84	100

ЮРА шакллариининг клиник таҳлили беморларнинг кўпчилигида (46,4%) бўғим шаклидаги олигоартритик варианты кузатилган. Биз кузатган 12 нафар беморда олигоартритнинг доимий шакли қайд этилган бўлиб, касалликнинг бутун даврида 4 тагача бўғим зарарланганлиги билан ифодаланган. Ривожланувчи олигоартрит тури 27 нафар текширилган беморларда кузатилган ва унга касалликнинг 6- ойидан кейин зарарланган бўғимлар сонининг ортиши хос бўлган. ЮРА нинг полиартикуляр шакли текширилган 35 нафар (41.6%) беморларда кузатилган бўлиб, улардан 6 тасида ревматоид омил мусбатлиги аниқланган. ЮРА катталарда ревматоид артритнинг эрта бошланишидир. Бўғим-висцерал шакли текширилган 10 нафар (8.4%) беморда кузатилган ва клиник жиҳатдан юқори харорат реакцияси билан тавсифланган бўлиб, антибиотиклар билан даволаш вақтида ҳам пасаймаган. 4 нафар беморда касаллик буйрак шикастланиши, 3 нафар беморда юрак шикастланиши, 1 нафарда ўпка шикастланиш, 2 нафарда ички аъзоларнинг комбинацияланган зарарланиши кузатилган. Мактабгача ёшдаги 1 нафар қизчада касаллик Стилл синдроми кўринишида, 1 нафар болада эса Висслер-Фанкони синдроми кўринишида кечган.

Касаллик фаоллигининг биринчи даражаси 4 бўғимдан кам бўлган зарарланиш кузатилган 43 нафар (51.1%) беморларда кузатилган, ЭЧТ-20 мм/соатдан паст қийматда, С-реактив оқсил нормал даражалари (СРО); иккинчи даража 32 нафар (38%) беморда артритнинг оралик кечишида ЭЧТ 40 мм/соатдан кам, С-реактив оқсил ошишида кузатилган; учинчи даража 9 нафар (11%) беморда, СРО юқори чегарасида, ижобий РФ, ЭЧТ-40 мм/соатдан юқори, артрит белгилари, йирик бўғимларда шиш, огрик, бир соатдан ортик эрталабки қотишиш давомийлигида қайд этилган.

DAS4 индекси ёрдамида ревматоид жараённи баҳолашда бу гуруҳ беморларда минимал активлик параметрлари ўзгармаган. 2-даражали фаолликка эга бўлган 19 нафар беморларда (59.3%) ҳолатда DAS4нинг ошиши, 13 нафар (40.6%) беморда эса ушбу параметрнинг бироз пасайиши ёки ўзгармаслиги аниқланган. 3-даражали фаолликка эга бўлган 4 нафар (44.4%) беморда DAS4 нинг сезиларли ўсиши параллел равишда фаолликнинг ошиши (ЭЧТ 46 дан 50 мм/соатгача, СРО-6 мг/% дан 36 мг/% гача,) кузатилган. 5 нафар (55.6%) беморда DAS4 қийматлари сезиларли ўзгармаган. ЮРА нинг

лаборатория мезонларига мувофиқ фаоллик даражаси беморларнинг ярмида I даража (51.1%), II даража 38% ва III даража-11% га тўғри келган.

Ремиссия даври таҳлили шуни кўрсатадики, беморларнинг мутлок кўпчилигида 69 нафар (82,1%), ремиссиянинг ўртача давомийлиги 4 ойни ташкил этган, бунда касаллик фаоллиги даражасига боғлиқлик аниқланмаган. Бу ўтказилган даволаш тўлиқ клиник ва лаборатор ремиссиясига олиб келмайди, бу эса касалликнинг тез-тез такрорланиши ва ривожланишига олиб келишини кўрсатган.

Штейнброккер мезонларига кўра, ЮРА рентгенологик мезонлари частотаси таҳлили биз кузатган беморларнинг кўпида (63.1%) Штейнброккер бўйича анатомик ўзгаришларнинг биринчи босқичи яъни-эпифизар остеопороз, 32.1% да бўғим бўшлиғини торайиши ва битта беморда эрозияси борлиги аниқланган. Суяклар ва тоғайларнинг деструкцияси 3 йилдан ортиқ касаллик даврига эга бўлган 3 нафар (3.6%) беморда кузатилган. Анкилоз синдроми 1 нафар (1.2%) беморда кузатилган. Ўткир кечишда текширилган беморларнинг кўпчилигида (52,4%) Штейнброккер бўйича III функционал синф аниқланган. Ремиссия босқичида беморларнинг аксарияти Штейнброккер бўйича II функционал синфга мансублиги аниқланган.

Бўғим-висцерал шакли билан касалланган барча беморлар преднизолон ва 80% - метотрексат қабул қилгани аниқланган. Гормон билан даволанишда бўлган бўғим шакли билан касалланган беморларнинг нисбати ҳам жуда юқори (64.3%). Шифохонадаги беморларнинг кўпчилиги ностероид яллиғланишга қарши дори-дармонлардан диклофенак (50%) қабул қилган. Анъанавий даволаш фониди ювенил ревматоид артритнинг клиник-лаборатор намоён бўлиши динамикасининг ижобий натижалари, асосан касалликнинг минимал фаоллиги билан касалланган беморларда ва ташхис қўйилгандан кейин дарҳол даволаш буюрилган иккинчи даражага эга беморлар учун хусусиятлилигини кўрсатган. Касалликнинг ўз вақтида қўйилмаган ташхиси натижасида кеч ўтказилган даволашни олган иккинчи даражали фаоллик билан касалланган беморлар ва учинчи даражали фаоллик билан касалланган беморлар даволаш самарадорлигига эришишда энг катта қийинчилик туғдирган ва биз уларда клиник-лаборатория белгиларининг ижобий динамикасини қайд этилмаган. Ҳатто клиник ва лаборатор параметрларининг ижобий динамикаси бўлган фақатгина 5 нафар (16.6%) беморда тўлиқ ремиссия кузатилган. Бундан ташқари, 2 йилдан ортиқ касаллик даврига эга бўлган беморларнинг кўпчилигида дори-дармонларнинг ноҳўя таъсирлари кузатилган.

Биз кузатган беморларнинг 60 нафарини (71,4%) ошқозон-ичак тракти турли касалликлари кузатилган беморлар ташкил этган. Агар касалликнинг дастлабки босқичларида (32,1%) болаларда ошқозон-ичак тракти функционал бузилишлари ташхиси қўйилган бўлса, касаллик ривожланган сари гастрит белгилари (22,6%), гастродуоденит (13,1%), баъзан эрозия ва яралар (3,6%) ҳосил бўлиши кузатилди. Касаллик даври 3 йилдан ортиқ бўлган беморларда жигардаги ўзгаришлар хисобига реактив гепатит (15,5%) ташхиси қўйилган.

Диссертациянинг “Текширилаётган беморларда ЮРА ривожланиши учун хавф омилларини кўзгатувчи генлар полиморфизми таҳлили” деб номланган тўртинчи бобида, ювенил ревматоид артрит билан касалланган болаларда IL-1 β -T-31C гени ва IL-6-C174G генининг полиморф вариантларининг тарқалиш частотаси ва муносабатини баҳолаш таҳлил қилинган.

ЮРАнинг кечиши ва ривожланишида IL-1 β -T-31C генларнинг пайдо бўлиш частотаси ва полиморфизм тузилишини аниқладик. Генетик тадқиқот мақсадида 59 нафар боланинг периферик қонидан фойдаланилган.

Назорат гуруҳи сифатида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Гематология ва қон қуйиш илмий-тадқиқот институти “Молекуляр тиббиёт ва ҳужайра технологиялари” лабораториясида ЮРА билан касалланмаган 60 нафар болада ўрганиш давомида олинган генлар ва генотипларнинг пайдо бўлиш частотаси ҳақидаги маълумотлардан фойдаланилган. Асосий гуруҳ болалари иккита кичик гуруҳга бўлинди: Ia кичик гуруҳи – 42 нафар бўғим шакли билан ва Ib кичик гуруҳи - 17 нафар бўғим-висцерал шакли билан касалланган болалар олинган.

Назорат гуруҳида IL-1 β -T-31C полиморфизм аллеллари ва генотиплари частотасининг тақсимланиши ва ЮРАнинг бўғим ва бўғим-висцерал шакллари билан касалланган болалар.

Генотипларнинг кутилаётган ва кузатилаётган частотаси орасидаги статистик фарқларни rs1143627 полиморфизмининг Харди–Вайнберг мувозанати (ХВМ) бўйича таҳлил қилинган. rs 1143627 полиморфизми маълумотларидан кўришиб турибдики, кузатув гуруҳларидаги болалар мумкин бўлган барча генотипларнинг мавжудлиги билан ажралиб туради. Шу билан бирга асосий гуруҳда ҳам, назорат гуруҳида ҳам аслида олинган генотип частоталари уларнинг тақсимланишининг кутилаётган частоталарига мос келади, яъни генотип частоталарининг тақсимланиши ХВМ ($\chi^2 < 3,8$; $p > 0,05$) дан четга чиқмайди. Кутилаётган гетерозиготанинг кузатилгандаги нисбий оғиши қуйидаги формула билан ҳисобланди: $D = (Hobs - hexp) / hexp$. Асосий гуруҳда гетерозиготанинг кутилаётган ва кузатилаётган частоталари орасидаги фарқларнинг таҳлили кутилганга нисбатан кузатилган гетерозиготанинг максимал даражасини, яъни гетерозиготаларнинг ортиқлигини аниқлаган ($Hexp = 0,45$ га нисбатан $Hobs = 0,5$ мос равишда; $D = +0,11$). Бу ЮРА билан касалланган болаларнинг тахминан 35%и гетерозигота ҳолатда функционал ноқулай Т аллелларни ташишини билдиради. Шу билан бирга назорат гуруҳида, аксинча, С/Т гетерозигота генотипининг унча катта бўлмаган танқислиги аниқланди (0.29/0.35, мос равишда; $p = 0.1$). Назорат гуруҳида rs 1143627 полиморфизмининг кузатилаётган гетерозиготалик даражаси кутилганидан паст бўлган ($D = -0.17$). Асосий гуруҳ болалари учун Н индекси жуда юқори ижобий қийматга эга бўлган, яъни ўнг > 0 ($H = +0.11$) га тўғри келган, бу эса С/Т полиморфизм IL – 1 β (T-31C) нинг гетерозигота генотипининг ЮРА ҳосил бўлишига таъсирини олдиндан айтиб бериш имконини берган.

Шундай қилиб, rs 1143627 полиморфизми геннинг генотиплари тақсимланишининг таҳлил қилинганлиги ЮРА билан касалланган болаларда жиддий бузилишлар хавфи билан боғлиқлигининг мустақил табиатини очиб берган ва rs 1143627 Тнинг аллел вариантининг иштирокини исботлаган.

Текширилаётган беморларда IL-6-C174G ривожланиши ва ЮРАнинг кечиши полиморф вариантларининг тарқалиш частотаси ва муносабатларини баҳолаш.

Геннинг полиморфизми фермент молекуласидаги аминокислотани алмаштириш билан боғлиқ, rs 1800795 популяция генининг ўрганилган полиморф генотипик вариантларининг тақсимланишини генетик таҳлил қилиш давомида назорат гуруҳида ХВМ ($\chi^2=7.5$; $P=0.006$) генотип частоталарининг статистик жихатдан сезиларли даражада оғиши аниқланган. ХВМ дан бундай оғишни назорат гуруҳи фақат шу касалликнинг йўқлиги мезонлари асосида танланганлиги билан изоҳланади (яъни улар шартли равишда соғлом донорлар).

Аниқланган оғиш балки, гомозиготали генотиплардан (0.5/0.45 ва 0.16/0.11) вакиллар сонининг ортиши туфайли ЮРА ($H=-0.23$) билан касалланган болалар гуруҳида гетерозигота етишмовчилигининг юқори даражаси билан боғлиқдир. Шунинг учун rs 1800795 гени учун H индекси манфий чиқди, яъни < 0 нинг чап томонида жойлашган.

Шундай қилиб, тадқиқотларимиз функционал ноқулай аллел) (C) частотаси асосий гуруҳда сезиларли даражада юқори бўлиб, ёввойи аллел (G частотаси назорат гуруҳида сезиларли даражада юқори бўлган. Асосий ва назорат гуруҳлари орасидаги rs1800795 ген полиморфизм генотиплари частотасини таққослаш шуни кўрсатдики, асосий гуруҳдаги гетерозиготалар частотаси (C/G) назорат гуруҳига нисбатан 1,2 марта ортик.

ЮРА билан касалланган болаларда rs1143627 ген полиморфизми генотипларининг бўғим варианты (Iб кичик гуруҳи) тақсимланишининг қиёсий таҳлили назорат гуруҳига қараганда ноқулай гетерозиготали ва гомозиготали генотиплар ($\chi^2=2,2$; $P=0,1$; и $\chi^2=1,3$; $P=0,2$;) частотасининг бирмунча ошишини кўрсатди. Бу маълумотлар IL-1 β -T-31C ва IL-6-C174G генларнинг генотипик бирикмаларининг эпистатик таъсири битта полиморф маркерга нисбатан анча кучли эканлигини исботлайди.

Шундай қилиб, IL-1 β -T-31C ва IL-6-C174G полиморфизмларини аниқлаш ювенил ревматоид артрит ташхиси, унинг клиник варианты ва даволаш тадбирларини амалга ошириш учун қўшимча мезон бўлган.

«Ювенил ревматид артритни ЦОГ -2 ингибиторлари билан хронотерапия усулида даволаш самарадорлигини баҳолаш» деб номланган диссертациянинг бешинчи бобида ЮРАда хронотерапия усулида ЦОГ-2 ингибиторлари билан даволаш самарадорлиги баҳоланган. Доридармонларни буюриш учун оптимал вақтни танлаш учун ЮРА билан касалланган беморларда кунлик термометрияни таҳлил қилинган, бу эса эрталаб соат 8:00 да, кундузи эса соат 14:00 дан 18:00 гача кузатиладиган тана харорати кўтарилишининг икки чўққиси борлигини кўрсатган. Яллиғланиш

жараёнининг чўққисини тасдиқлаш ЮРА билан касалланган беморлар қонида кортизол миқдори динамикаси ўрганилган. ЮРА билан оғриган беморларда қонда эрталабки соатларда кортизол миқдори 56 нмол/л дан 532 нмол/л гача сезиларли ўзгаришлари кузатилди. Куннинг иккинчи ярмида қонда кортизол даражасининг ўртача эрталабки кўрсаткичлардан ошиб кетишида иккинчи чўққиси кузатилган. Кузатилган беморларнинг яллиғланишга қарши таъсирга эга преднизолон қабул қилишини ҳисобга олиб, тана ҳарорати иккинчи акрофазасида хронотерапия усулида НЯҚП тавсия этилган. НЯҚПлар катта арсеналидан нимесулид препарати тавсия этилган. Препарат тана ҳароратининг акрофазаси бошланишидан бир соат олдин, яъни бир марта 13.00 соатда буюрилган. ЮРА билан даволанаётган 54 нафар беморларда (22 нафар ўғил бола ва 32 нафар қиз бола) нимесулиднинг самарадорлигини ўрганилган. Ўртача ёш 9 ёш 8 ойни ташкил қилган. (5 ёш 3 ойлик дан 16 ёш 10 ойликкача). Касалликнинг ўртача давомийлиги 3 йил 9 ой (5 ойдан. 8 йилгача), 10 нафар беморда касалликнинг бўғим-висцерал шакли, 44 нафар беморда ЮРАнинг бўғим шакли кузатилган.

Нимесулид билан даволашнинг самарадорлиги клиник ва лаборатория маълумотлари бўйича баҳоланган. Клиник ва лаборатория параметрларни тадқиқот бошланишидан 2-4 ҳафта, 8 ҳафта ва 6 ойдан кейин ўтказилган. Нимесулид билан даволаш фонида бўғимларда оғриқларнинг камайиши, ёки эрталабки қотишиш давомийлигини камайиши, бўғимларнинг ҳаракатчанлиги ва фаоллиги ошиши кузатилган. Нимесулиддан фойдаланиш биринчи икки-тўртинчи ҳафтасидан кейин, беморларнинг 57,4% да АСР 20, 24,1%да – АСР 50, 3,7% да АСР 70га жавоб кузатилган. Даволашнинг 8-ҳафтасига келиб, 43 нафар (79,6%) беморда препаратнинг самарадорлиги қайд этилган, шундан АСР 20га жавоб 14,8%, АСР 50 га жавоб 35,1%, АСР 70 га жавобда 29,6% га эришилган.

Иккинчи ойнинг охирида ЭЧТнинг сезиларли пасайиши ва нормаллашуви фақат асосий гуруҳ беморларида кузатилган. Анъанавий даволашда бўлган беморларда, ЭЧТнинг бироз пасайиши бўлса-да, аммо биронта беморда кўрсаткичлар меъёрлашуви кузатилмаган.

Хронотерапия давоси ўтказган беморларнинг касаллик тарихи кузатиб борилганда, ремиссия даврининг 8-12 ойга узайиши, яъни икки марта ортиши кузатилган. Бундан ташқари, НЯҚПларнинг ноҳўя таъсирини кўрсатувчи беморларнинг шикоятлари сезиларли даражада камайган. Бунга ЮРА билан касалланган беморларда хронотерапия усулида нимесулид препаратини қўллаш энг мақбул ва хавфсиз даволаш усули сифатида қараш мумкин. Олинган тажрибага кўра, стандарт давога чидамли аутоиммун касалликларни даволашда нимесулид препаратини ишлатиш мақсадга мувофиқлиги аниқланган.

ЮРА натижасини прогноз қилиш алгоритмларини ишлаб чиқилган. Ноҳуш прогностик ахборот базис даволаш кеч бошланганлиги (ПК=-4,0), DAS4 индекси > 3,5(ПК=-4,0), фаол бўғимларнинг сони камида 10 (ПК=-3,5), эрта босқичда эрозиялар мавжудлиги (ПК=-3,5), Ричи индекси > 10 (ПК=3,0),

учдан ортик бўғимларда экссудация мавжудлиги (ПК=-3,5), СРО 24 мг/лдан ортик (ПК=- 2,5), оғрикли бўғимлар сони 5 дан кўп ПК=-2.0).

Прогностик ноҳуш белгилари мавжудлиги: касалликнинг фаол даври (кўп миқдорда шишган ва оғрикли бўғимлар), эрта босқичда эрозиялар мавжудлиги, РФнинг ошиши, ЭЧТ ва СРО ошиши прогрессивланувчи касаллик ҳамда, беморда ногиронлик хавфи юқорилиги тўғрисида олдиндан прогноз қилиши имконини берган. ЮРАнинг ноҳуш прогнози: бўғимларда рентгенологик прогрессивланувчи деструкция, таянч-ҳаракат тизими функцияси қайтмас жараёнлар шаклланиши, бўғимларда жарроҳликни амалга ошириш хавфи ошиши ва беморларнинг эрта ногиронлигига ҳамда умр қисқаришига олиб келган.

Касаллик оқибатини прогноз қилиш натижасида, касалликнинг ноҳуш оқибатларнинг олди олинган. Бунинг учун замонавий тиббиётнинг барча кучларидан ва воситаларидан фойдаланиш зарур. ЮРАни даволашнинг ноҳуш таъсирини аниқлаш учун прогностик ёндашувдан фойдаланиш касалликнинг ривожланишини олдини олиш ва терапевтик тактиканинг энг маъқул вариантини танлашнинг замонавий ва самарали усули ҳисобланади.

Шундай қилиб, олиб борилган тадқиқотлар асосида, ювенил ревматоид артритнинг агрессив кечиши, анъанавий даво самарадорлиги камлиги, даволашдаги ножўя таъсирининг юқори частотаси касалликнинг самарали ва шу билан бирга хавфсиз усулларни топиш зарурлигини белгилайди. Бу даволаш учун хронофармакологик ёндашувга тўлиқ мос келади, унинг ёрдамида НЯҚПларни буюриш учун мақбул вақт ҳисобланади, бу даволаш самарадорлигини оширади, ремиссиянинг бошланишини тезлаштириш, унинг давомийлигини узайтириш ва дори-дармонларнинг ножўя таъсирини камайтириши билан ифодаланган.

ХУЛОСАЛАР

«Ювенил ревматоид артритнинг клиник – генетик тавсифи ва унинг хронотерапия натижалари прогнози» мавзусидаги тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун бажарилган диссертация иши натижалари бўйича қуйидаги хулосалар берилди:

1. Болаларда ювенил ревматоид артритнинг кечишида олигоартритнинг прогрессив варианты (58.4%) бўғим шаклининг полиартритик варианты (41.6%), устидан устунлиги аниқланди, учраши 7 ёшдан 14 ёшгача намоён бўлди.
2. Анъанавий даволашда дори препаратларнинг ножўя таъсири таҳлили 32,1% ошқозоннинг функционал бузилиши, 22,6% гастрит, 13,1% гастродуоденит, 3,6% яра касаллиги, 15,5% реактив гепатит касалликлари аниқланди. ЮРАни анъанавий даволаш фонида кузатилган асоратлар юқорилиги, беморларда доимий ремиссия йўқлиги ва касалликни узок муддатли даволаш курслари ўтказиш учун даволашнинг самарали усулини излашга асос бўлган.

3. Болаларда ювенил ревматоид артритнинг ривожланиши ва кечишида IL-1 β (T-31C) и IL-6 (C174G) ген полиморфизмини ўрганиш касалликнинг эрта ташхиси ва прогнози учун зарур эканлигини кўрсатди. Асосий ва назорат гуруҳлари орасидаги rs 1800795 ген полиморфизм генотиплари частотасини таққослаш шуни кўрсатдики, асосий гуруҳдаги гетерозиготалар (G/C) частотаси назорат гуруҳига нисбатан 1,2 марта ортик.
4. Ювенил ревматоид артритни нимесулид билан хронотерапия усулида даволашнинг самарадорлиги 79.6% бўғим синдроми ва беморларнинг 70% касалликнинг тизимли шаклида ижобий натижасини кўрсатди, лаборатор кўрсаткичларнинг меъёрлашуви, ремиссия даврларининг 8 ойгача узайиши билан ифодаланади.
5. Ювенил ревматоид артритнинг клиник хусусиятларини ўз ичига олган, диагностик алгоритм асосида қўзғатувчи омиллар ва прогрессив полиартритнинг прогностик белгиларилари бемор болалар ўртасида хавф гуруҳини тузиш имконини беради. Нохуш прогностик белгилар қуйидагилар: базис даволаш кеч бошланганлиги (ПК=-4,0), DAS4 индекси > 3,5 (ПК=-4,0), фаол бўғимларнинг сони 10тадан кам (ПК=-3,5), эрта босқичда эрозиялар мавжудлиги (ПК=-3,5), Ричи индекси > 10 (ПК=3.0), учдан ортик бўғимларда экссудация мавжудлиги (ПК=-3,5), СРО 24 мг%дан ортик (ПК= - 2,5), оғрикли бўғимлар сони 5 дан кўп (ПК=-2.0).

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.04/30.12.2019.Tib.29.01_ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ПЕДИАТРИЧЕСКОМ
МЕДИЦИНСКОМ ИНСТИТУТЕ**

ТАШКЕНТСКИЙ ПЕДИАТРИЧЕСКИЙ МЕДИЦИНСКИЙ ИНСТИТУТ

МАЛЛАЕВ ШУХРАТ ШЕРКУЛОВИЧ

**КЛИНИКО - ГЕНЕТИЧЕСКАЯ ХАРАКТЕРИСТИКА ЮВЕНИЛЬНОГО
РЕВМАТОИДНОГО АРТРИТА И ПРОГНОЗ ЕГО ИСХОДА ПРИ
ХРОНОТЕРАПИИ**

14.00.09 – Педиатрия

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) по медицинским наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2020.2.PhD/Tib1358

Диссертация выполнена в Ташкентском педиатрическом медицинском институте.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.tpti.uz) и Информационно-образовательном портале "ZiyoNet" (www.ziyo.net.uz).

Научный руководитель: Алимов Анвар Валиевич
доктор медицинских наук, профессор

Официальные оппоненты: Шамансурова Эльмира Амануллаевна
доктор медицинских наук, профессор

Шамсиев Фазилдин Сайфутдинович
доктор медицинских наук, профессор

Ведущая организация: Республиканский специализированный
научно-практический центр педиатрии

Защита диссертации состоится 28 » сентябрь 2021 г. в 11 часов на заседании Научного совета DSc.04/30.12.2019.Tib.29.01 при Ташкентском педиатрическом медицинском институте. (Адрес: 100140, г. Ташкент, Юнусабадский район ул. Богишамол, 223. Тел./факс: (+99871) 262-33-14, e-mail: tashpmi@gmail.ru.)

С докторской диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского педиатрического медицинского института (зарегистрирована за № 194). Адрес: 100140, г. Ташкент, Юнусабадский район ул. Богишамол, 223. Тел./факс: (99871) 262-33-14.

Автореферат диссертации разослан 10 » сентябрь 2021 года
(Протокол рассылки № 123 от 10 » сентябрь 2021 года)



[Handwritten signature]

Д.И. Ахмедова
Председатель научного совета по присуждению
ученой степени, доктор медицинских наук, профессор

[Handwritten signature]

К.Н. Хайтов
Ученый секретарь Научного совета по присуждению
ученой степени, доктор медицинских наук

[Handwritten signature]

А.М. Шарипов
Председатель Научного семинара при научном совете
по присуждению ученых степеней, доктор медицинских
наук, профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и необходимость темы диссертации. В настоящее время происходит рост числа ревматических заболеваний среди различных слоев населения в мире, широкое распространение ювенильного ревматоидного артрита среди детей имеет большое значение как насущная проблема, занимающая особое место. По оценкам ведущих ученых мира, «...распространенность ювенильного ревматоидного артрита в разных странах составляет от 0,5 до 2 %...»¹ В Европе ювенильный ревматоидный артрит встречается у 16 из 100 000 детей, заболевание наблюдается у детей пубертатного возраста, долгое время сопровождается признаками воспаления в суставах, имеет ограниченную подвижность в нескольких суставах и вызывает раннюю инвалидизацию у детей при ювенильном ревматоидном артрите. В связи с этим, несмотря на большой опыт в диагностике и лечении ювенильного ревматоидного артрита, необходимо повышать эффективность методов ранней диагностики, лечения и профилактики заболевания.

Во всем мире особое внимание уделяется вопросам ранней диагностики, усовершенствования лечения и профилактике ювенильного ревматоидного артрита у детей. В связи с этим влияние факторов риска на формирование ювенильного ревматоидного артрита у детей, клиническая картина и особенности функциональных нарушений суставов, разработка критериев ранней диагностики и прогноза заболевания, разработка мер по уменьшению воспалительного процесса путем назначения противовоспалительных нестероидных препаратов зависят от биоритма, а также совершенствование методов лечения.

В нашей стране проводятся комплексные реформы по развитию медицинского сектора приведению медицинских услуг в соответствие с мировыми стандартами, совершенствованию методов раннего выявления, лечения и профилактики ревматических заболеваний у детей. В нашей стране определены такие приоритеты, как «...внедрение современных методов диагностики и лечения, оказание высококачественных медицинских услуг, в том числе внедрение и развитие телемедицины...»². В связи с этим целесообразно разработать эффективные методы ранней диагностики, лечения и профилактики клинико-генетических признаков ювенильного ревматоидного артрита у детей.

Данное диссертационное исследование в определенной степени соответствует задачам, определенных в Указах Президента Республики

¹ Бабаева, А. Р., Калинина Е.В, Бакумов П.А. Инновационная терапия ревматоидного артрита: алгоритмы и цели лечения // Вестник Волгоградского государственного медицинского университета. – 2018. – Т.66. – №2. – С. 3-9.

² в Указах Президента Республики Узбекистан за №-124 от 25 мая 2021 года "О мерах по внедрению совершенно новых мер в деятельность учреждений первичной медико-санитарной помощи и дальнейшему повышению эффективности проводимых реформ в системе здравоохранения"

Узбекистан за №-6110 от 12 ноября 2020 года «О мерах по внедрению совершенно новых механизмов в деятельность учреждений первичной медико-санитарной помощи и дальнейшему повышению эффективности проводимых в системе здравоохранения реформ», УП за №-4440 от 19 сентября 2019 года «Совершенствование медико-социальной помощи детям с редкими и другими наследственными заболеваниями». Решения «О дополнительных мерах по развитию сферы здравоохранения», «О повышении качества и дальнейшем расширении охвата медицинской помощью, оказываемой женщинам, репродуктивного возраста, беременным и детям», ПП №-4513 от 8 ноября 2019 года, а также в иных нормативно-правовых актах, связанных с данной деятельностью.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Диссертационное исследование выполнено по части IV «Медицина и фармакология» в соответствии с приоритетными направлениями развития науки и технологии республики.

